

Термиз туманида ўқитувчи ва мураббийлар шарафланди



Термиз туманидаги "Сурхон" тантаналар саройида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда таълим ташкилотлари мутасаддилари, энг илғор ўқитувчилар, тизимда самарали меҳнат қилаётган фахрий устоз ва мураббийлар иштирок этди.

Тантанали байрам тадбирида тумани ҳокими Шухрат Назаров иштирок этиб, ўқитувчи ва мураббийларни байрам билан самимий муборакбод этди ва бир гуруҳ фидойи устоз ва мураббийларга туман ҳокимининг фахрий ёрлик ва совғаларини топширди.

Тўкин дастурхон атрофида давом этган байрам тантаналарида туман маданият бўлими санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, сахналаштирилган чиқишлар тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият улашди.